O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 30 апрель ЧОРШАНБА

№ 33 (12.044)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Вилоят фаоллари йиғилиши

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

ВИЛОЯТ фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, вилоят жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.

Иштирокчилар биринчи чорақда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2008 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларига доир масалаларни муҳокама қилишди. Маърузачилар ва йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар таъкидлашдики, ўтган биринчи чорақда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари билан тавсифланадиган макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ўсиши тўла таъминланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 5,2, истеъмол товарлари 13, чакана товар айланмаси 18, хизматлар ҳажми 26 фоизга ўсди, маҳсулот экспорти 33,5 фоизга кўпайди.

Корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан сармоялаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг барқарорлашиб бориши ишлаб чиқаришда таркибий қайта ўзгартиришларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва янгилашни давом эттириш имконини бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириш натижасида ялпи ички маҳсулотда унинг салмоғи 36,4 фоизгача ошишига эришилди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларни ривожлантириш мақсадли дастурлари изчил амалга оширилаётгани натижасида 16 минг янги иш ўрни яратилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 1,2 минг йигит ишга жойлаштирилди. Ёш оилаларга қорамол сотиб олиш учун 564 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Лекин фаоллар йиғилишида асосий эътибор белгиланган бир қатор истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши кечикаётгани, Бекобод шаҳри, Юқоричирчиқ, Қибрай, Зангиота туманларида маҳаллийлаштириш дастурининг айрим лойиҳаларини рўёбга чиқариш орқада қолаётганига қаратилди. Айрим мелиорация иншоотлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш кечиккмоқда. Ҳамма ерда ҳам касаначиликни ривожлантиришга эътибор етарли бўлмаётганлиги кескин танқид қилинди.

Йиғилиш бошқармалар, ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимларидан иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари сўзсиз бажарилишини таъминлашни талаб қилди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларини мукаммал бажариш учун масъулиятни кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Кўрсатиб ўтилдики, мева, сабзавот, картошка ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш долзарб тус олмоқда. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш, изланиш ва ташаббус кўрсатиш зарур.

Фаоллар йиғилишида уқдирилдики, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини соғломлаштириш, буғдой ўримига тайёргарликни жадаллаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтиришнинг барча мавжуд имкониятларини ишга солиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Кувондиқ Санақулов қатнашди.

Ташаббус

ДАСТЛАБКИ ШАРТНОМА ЭГАЛАРИ ИШ БОШЛАШДИ

ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, Ўртачирчиқ туманидаги вилоят аёллар касаначилик марказига ўрнатилган инкубаторлардан дастлабки гуруҳ жўжалар очиб чиқарилди. Куни кеча бу ерда уюштирилган тадбирда жўжаларни парваришлаш учун уй бекаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бу хайрли ташаббус ўз моҳиятига кўра мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, яқинда матбуотда эълон қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган мақсад-вазифаларга тўла мос келади.

Аввалдан белгиланган режага кўра дастлаб тўрт туман вакиллари – ўртачирчиқлик аёллар учун 800 та, юқоричирчиқлик уй бекаларига 1100 та, Оққўрғон ҳамда Пскент тумани касаначилари учун 1500 ва 2000 тадан соғлом жўжалар тарқатилди. Шунингдек, уй шароитида жўжаларни рисоладагидек парваришлаш технологияси пухта тушунтирилди, керакли миқдордаги омухта ем ҳам шу ернинг ўзида етказиб берилди.

Тадбир доирасида йиғилганлар учун махсус ўқув-семинар ҳам ташкил этилиб, унда марказни ташкил этишдан кўзланган мақсад, у билан мунтазам ҳамкорлик қилиш бўйича тавсиялар атрофлича тушунтирилди. Ўз навбатида, марказ олдида турган хайрли тадбирлар кўлами, бошқа бир қатор йўналишлар бўйича уй бекаларини касаначилик асосида фойдали меҳнатга жалб қилиш вазифалари ҳақида сўз борди. Яна бир муҳим жиҳат таъкидландики, касаначилик маркази билан шартнома тузган уй бекалари учун белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари ҳам юритилади.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов иштирок этди.

Алишер РАҲМАТОВ.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МИННАТДОР ҚАЛБЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони вилоятимизнинг кексаю ёш авлодлари вакиллари томонидан баланд руҳ ва мамнуният билан кутиб олинди. Таҳририятимизга ҳам кўплаб миннатдорчилик мактублари келаяпти.

Қуйида миннатдор қалблар эътирофи билан танишасиз.

БУНДАЙ ҒАМХЎРЛИК ҚАЙДА БОР!

Мен муҳтарам Юртбошимизнинг бу йилги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ўзим ҳар йили бепул даволанадиган санаторийда кутиб олдим. «Нур устига аъло нур» деганлари шу бўлса керак. Фармонни ўқидиму хаёлимга бир фикр келди. Гап пулда эмас, балки доимий ғамхўрликда, самимий эътиборда.

Киши кексайган сари ёш бола сингари кўнгли меҳрга, эътиборга мойил бўлиб бораркан. Ёшим 85 га борди. Ҳар куни, ҳар дақиқа давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг юксак эътибори ва меҳрини ҳис этиб яшаяпман.

Менга ҳар йили Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви тасарруфидаги кўп тармоқли «Янгийўл» санаторийсига бепул йўлланма беришади. Малакали, ширинсухан врачлару ҳамширалар кузатувида ҳордиқ чиқариб, даволаниб, соғлиғимни тиклайман. Анча кексайиб қолганим учун менга қараб, ёрдам бериб турадиган шеригимга ҳам бу ерда бепул хизмат кўрсатишади.

Кексаларини шу қадар қадрлайдиган, ардоқлайдиган бундай юрт яна қайда бор!

Алимжон САЛИМБОЕВ, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

ЮРТИМИЗ ОМОН БЎЛСИН

Менинг бу ҳаётда кўрмаганим кўп бўлди, десам ишонаверинг. Уруш даҳшатлари мана олтмиш беш йилдан буён хаёлимни тарк этмайди. Сабаби, икки қулоғим эшитмайди, оёқларим юрмайди. Бундай оғир дард билан яшашнинг ўзи бўлмайди. Лекин яхшиларнинг эътибори, Юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли саксон беш ёшимда ҳам ёруғ олам неъматларидан бахраманд бўлиб яшаяпман. Яқинда Кореяда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо эшитиш ускунасини келтириб беришди. Эшитмаган одам гапиришни ҳам уддалай олмас экан. Аммо ҳозир қулоқларим эшитаётганидан қувончим ичимга сиғмайди. Миннатдорлик сўзларини такрорлашдан чарчамаяпман.

Куни кеча Юртбошимизнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонларини ўқиб беришди. Бизнинг 19-«Шодлик» маҳалласи фаоллари доимо ҳолимиздан хабар олиб туришади. Биздай уруш қатнашчилари ва ногиронларини ардоқлаб, эъзозлаб келаётган Президентимиз, давлатимиз омон, юртимиз тинч бўлсин!

Иван ЛЮЛИН, иккинчи жаҳон уруши ногирони.

ҚАДР-ҚИММАТИМИЗ ЖОЙИДА

Инсонларни қадрлаш, айниқса, кўпни кўрган нуроний отахону онахонларга иззат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг энг яхши анъаналаридан саналади. Бугун бу эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони орқали уруш қатнашчилари, халқ бахт-саодати йўлида курашган фидойиларга, меҳнат фахрийларига кўрсатилган ҳурмат-эътибор халқимизга руҳий қувват бахш этди.

Ҳаётда қадр-қимматинг жойида бўлса, иззат-эҳтиром кўрсанг, яна ҳам ёшариб кетгандек бўлиб, кексалик ҳам беназир саодат эканлигини англар экансан. Мен Юртбошимизнинг ушбу Фармонини ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Давлатимиз томонидан биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-оқибатни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Бундай юртнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.

Холдор АЛИЕВ, меҳнат фахрийси.

2008 йил – Ёшлар йили

"КАМОЛОТ"ДАГИ УЧРАШУВ

ЎЗБЕКИСТОН ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида пойтахтимиз мезбонлик қилаётган мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадаси қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий ўқув воситалари билан жиҳозланган мактаб, коллеж ва лицейлар қад ростлади. Таълимнинг мазмунмоҳиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида янги таълим стандартлари, ўқув-услубий қўлланмалар яратилди.

Ўз навбатида ёшларимиз ҳам яратилаётган ана шундай қулайликлардан оқилона фойдаланиб, фанларни ўзлаштиришда юқори натижаларга эришмоқдалар.

– Ўзбекистонлик тенгдошларимизнинг кимё фани бўйича илмий салоҳияти юқори эканлигини аввалги олимпиадада кўп бор кўрганман, – дейди Москва шаҳридаги кимё фанига ихтисослашган лицей ўқувчиси Иван Чернишев. – Юртингизга сафаримиз улар билан дўстлигимизни янада мустаҳкамламоқда. Олимпиада арафасида пойтахтингизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдик. "Камолот"даги учрашувда ўзбекистонлик тенгдошларимизнинг ҳаёти, фаолияти, интилишлари ва режалари билан янада яқинроқ танишиш имконига эга бўлдик.

ЎзА.

ЮКСАК БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ КЎРИГИ

Тошкентда мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бошланди

Президентимиз Ислом Каримовнинг фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида мамлакатимиз ёшларини тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатининг бутун мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ҳар жиҳатдан баркамол ёш авлодни, пухта билим ва етук малакага, ўз мустақил фикрига эга кадрларни тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Навқирон авлодни ўз иқтидор ва истеъдодини намойиш этиши, муттасил юксалтириб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бу борадаги ишларнинг ажралмас қисмидир. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган таълим ва тарбияга оид "ўзбек модели"нинг самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилди. Мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича халқаро Менделеев олимпиадасининг Тошкентда ўтказилиши бунинг яна бир далилидир.

Москва давлат университети ректори, академик В. Садовничийнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифи давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди.

Олимпиада М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида очилди. Унда Озарбойжон, Арманистон, Белорусь, Болгария, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия, Руминия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина ва Эстония жамоалари, Олимпиада ташкилий қўмитаси, Халқаро ҳайъат аъзолари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли узлуксиз таълим тизими мунтазам янгиланаётгани ва такомиллашаётгани, таълим муассасаларининг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг Ўзбекистонда ўтаётганлиги мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолоти, таълим-тарбияси йўлидаги ғамхўрлигининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи, юртимизга бўлган юксак ишончдан далолат эканлиги қайд этилди.

Тадбирда Олимпиада ташкилий қўмитаси ҳамраиси, Москва давлат университети кимё факультети декани, академик В. Лунин, Олимпиада Халқаро ҳайъати раиси, Москва давлат университети профессори В. Ненайденко да амалга оширилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Олимпиаданинг Тошкентда ўтказилаётгани таълим соҳасини ислоҳ этиш борасида Ўзбекистонда тўпланган ибратли тажрибани бошқаларга ҳам таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Россиянинг таълим бўйича федерал агентлиги вакилларининг Олимпиадани бевосита кузатаётгани келгусида икки давлат ўртасида кимё фани ва таълимининг истиқболи йўлида янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Мазкур Олимпиадада МДҲ мамлакатларидан ташқари, Болгария, Руминия ва Македониядан ҳам ўқувчилар иштирок этади. Ўзбекистонлик ёшлар ушбу Олимпиадада 1997 йилдан буён мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўтган даврда вакилларимиз 7 медални қўлга киритган.

Ўзбекистонда ёш авлод таълим-тарбиясига берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик, таълим муассасаларида яратилган шароитни таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидладилар.

Мамлакатда жорий этилган 12 йиллик бепул мажбурий таълим, аввало, касб-ҳунарга йўналтирилганлиги ва ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида амалга оширилаётгани ва ҳам аҳамиятлидир. Олимпиаданинг Тошкентда ўтказилаётгани таълим соҳасини ислоҳ этиш борасида Ўзбекистонда тўпланган ибратли тажрибани бошқаларга ҳам таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Россиянинг таълим бўйича федерал агентлиги вакилларининг Олимпиадани бевосита кузатаётгани келгусида икки давлат ўртасида кимё фани ва таълимининг истиқболи йўлида янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Мазкур Олимпиадада МДҲ мамлакатларидан ташқари, Болгария, Руминия ва Македониядан ҳам ўқувчилар иштирок этади. Ўзбекистонлик ёшлар ушбу Олимпиадада 1997 йилдан буён мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўтган даврда вакилларимиз 7 медални қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 январда қабул қилинган кимё фанидан мактаб ўқувчиларининг 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Тошкент шаҳрида ўтказишга оид қарорига кўра халқаро беллашувни юксак савияда ташкил этиш учун зарур чоралар кўрилди. Олимпиада 2 хил – назарий ва экспериментал йўналишларда ўтказилади. Тадбир ўтказиладиган жой – Москва давлат университетининг Тошкент филиалида Олимпиада тарихида илк бор барча иштирокчиларнинг бир вақтда, бир бинода экспериментал тур бўйича масалаларни бажариши учун шароит яратилди. Ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган жой зарур кимёвий асбоб-ускуналар ва реактивлар билан жиҳозланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўқувчиларга бериладиган савол ва топшириқлар устида бир йил давомида иш олиб борилди. Кимёнинг – органик, ноорганик, аналитик, физика кимёси ва бошқа бўлимлари бўйича тузилган саволлар, топшириқлар мураккаблиги жиҳатидан "Жаҳон кимё олимпиадаси" саволларидан устун туради.

Олимпиада ғолиблари Москва давлат университети ва бошқа нуфузли олий таълим даргоҳларига имтиҳонсиз кириш имкониятига эга бўлади.

Беллашувда мамлакатимиз шарафини химоя қилаётган жамоа юртимиз умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ўртасида туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилган саралаш мусобақалари натижалари асосида шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро олимпиаданинг Ўзбекистонда ўтказилиши унда иштирок этадиган мамлакатлар вакилларини юртимиз таълим соҳасида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган тизимли ишлар билан яқиндан таништириш, истеъдодли ўқувчи-ёшларимизнинг имкониятларини кенг намойиш этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу анжуман ўқувчилар учун нафақат билим ва заковат кўриги, балки дўстлик, ҳамжиҳатлик, ёшлик байрамига ҳам айланади. Беллашув доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш, кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Шу куни Тошкентда мактаб кимё таълимининг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Олимпиаданинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

ЙЎЛЛАНМА МАЛИКАГА

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туман марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг ҳамшираси Малика Мақсудова ўз касбдошлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

– Мен орзуимга эришдим, – деди у Бухоро шаҳрида ўтган «Ҳамшира» кўрик-танловида натижалар эълон қилингач. – Танловда ғолиб чиқиб, Тошкент тиббиёт институтининг олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш бўлимида ўқиш учун йўлланмани қўлга киритдим.

Шунингдек, ғолибга соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий ва Тошкент вилоят кенгашларининг қимматбаҳо совғалари ҳам топширилди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ҲАММАМИЗ БИР КУЧМИЗ!

МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги маданият ва истироҳат боғида «ОИВ/ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш» мавзусида танлов бўлиб ўтди.

«Ҳаммамиз бир кучмиз» шиори остида ўтказилган тадбирда вилоят шаҳар ва туманларидан келган йигирма битта жамоа ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик орқали юқадиган инфекцияларнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар хусусида алоҳида тўхталиб, ушбу мавзуга бағишланган саҳна кўринишлари ҳамда деворий газеталар билан иштирок этишди.

«Туркистон-пресс».

Мулоқот

ЧИНОЗДА ЖУРНАЛИСТЛАР АНЖУМАНИ

ЧИНОЗ туманида «Босма оммавий ахборот воситалари фаолиятида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар» мавзусида семинар ўтказилди.

«Тошкент ҳақиқати» – «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг Тошкент вилояти бўлимлари уни уюштиришда ташкилотчилик қилишди.

Семинарда ушбу идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари билан бирга Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди вакиллари, вилоятдаги туман ва шаҳар газеталарининг бош муҳаррирлари қатнашдилар.

Семинар иштирокчилари дастлаб Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими томонидан тайёрланган «Босма нашрларнинг замонавий босқичдаги фаолияти масалалари» ҳақидаги маъруза билан танишдилар.

Шундан сўнг «Тошкент ҳақиқати» – «Ташкентская правда» газеталари бош муҳаррири Убайдулла Абдушоҳидов «Ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар: ютуқ ва муаммолар» мавзусида маъруза қилди.

– Айни пайтда Тошкент вилоятида 43 номда газета чоп этилиб, тарқатилмоқда, – деди маърузачи. – Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиздаги босма ва интернет нашрлар ва журналистларнинг жамият ҳаётидаги янгиланишларда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаб келаётир. Фонд грантлари асосида республикамизда 100 дан ортиқ таҳририят 40 га яқин ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошираётир. Вилоятимизда ушбу фонд грантлари асосида «Чирчиқ» газетаси «Уй-жой коммунал соҳадаги ислоҳотлар мониторинги», «Ангрен ҳақиқати» газетаси «Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантириш мониторинги», «Паркент тонги» газетаси «Аҳоли ўртасида фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг мамлакатни демократлаштириш ва жамиятни янгилашдаги фаоллигини ошириш» каби лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Маъруза юзасидан бўлган мунозараларда вилоятдаги оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Фонд таклиф этган лойиҳани газетамизда бир йил давомида ёритдик, – деди «Паркент тонги» газетасининг бош муҳаррири Маҳмуд Тоиров. – Бу эса ўзига хос катта масъулият. Таҳлилий мақолалар тайёрлаш, газетани сайтга киритиш учун бунга лойиқ бўлиш керак.

Анжуманда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вакили иштирокчиларни «Ёшлар матбуот маркази ташкил этиш лойиҳасининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш механизми ва бу жараёнда босма ОАВ таҳририятларининг роли» мавзуси билан таништирди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш фонди директори ўринбосари Шаҳзод Ғуломов журналистларга фонд олиб бораётган ишлар, янги таклифлар ҳақида сўзлаб берди.

Анжуман ишининг иккинчи қисми Чиноз, Қуйичирчиқ, Оҳангарон туман газеталарида «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ёритилиши масалаларига бағишланди. Бу мавзуда вилоят ҳокимининг матбуот хизмати раҳбари Раҳимжон Орипов, вилоят ҳокимлиги матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўринбосари Саидакром Саидвалиев ва бошқалар фикр-мулоҳаза билдирдилар.

ТИББИЁТ тизимини ривожлантириш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш жараёнларида шундай муҳим бир жиҳат борки, бу оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласидир. Республика Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар эътироф этилди, муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хўш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида вилоятимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримизнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Феруза Раҳматуллаева билан суҳбати шу хусусда кечди.

ИСЛОҲОТ:

МАҚСАД ВА НАТИЖА

– Феруза Нарзуллаевна, маълумки, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи ҳамиша алоҳида эътибор талаб қиладиган вазифалардан биридир. Айтинг-чи, бу борада вилоятда қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Фарзанд, оила тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар жамиятнинг бош бўғини ҳисобланади. Шу сабаб, бу соҳаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинаяпти. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан вилоятда алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у олти йўналишда мақсадли, кўламли ҳамда самарали фаолият олиб боришни таъминлаётир.

Аввало, асосий эътибор аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилмоқда. Ўтган беш йил давомида вилоятда туғиш ёшидаги аёллар аҳолининг 25,4 фоизига етиб, 11 фоизга кўпайди. Ўтказилаётган тиббий кўриклар натижасида ҳар йили касаллик аниқланган аёлларнинг 80-90 фоизи соғломлаштирилиб, ҳомиладорликдаги экстрагенетал касалликларнинг 2003 йилдагига нисбатан 67,6 фоиз камайишига эришилди. Барча шаҳар ва туманларда кўчма маслаҳатхоналар ташкил этилиб, транспорт воситаси ҳамда малакали шифокорлардан иборат сайёр гуруҳлар ташкил этилди.

Яна бир муҳим масала никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишдир. Шу мақсадда барча шаҳар ва туманларда «Оила дорилфунунлари» фаолияти йўлга қўйилган. Унда ёш оила қурувчилар тажрибали шифокор, ҳуқуқшунос, шунингдек, бошқа касб мутахассислари томонидан ўқитилмоқда. Бу борада Бекобод шаҳри ва Пскент туманида яхши тажриба орттирилган.

– Шифокорларнинг малакасини ва аҳолининг репродуктив соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги билимини ошириш, тиббий маданиятини юксалтириш хусусида нима дея оласиз?

– Бугунги кунда вилоятда оналар ва болаларга хизмат кўрсатиш соҳасида 341 акушер-гинеколог, 497 педиатр фаолият юритмоқда. Кадрлар етишмовчилиги Ангрен, Бекобод шаҳарлари ва Юқоричирчиқ, Бўка, Оққўрғон ҳамда Қуйичирчиқ туманларида яққол кузатилади. Ўйлаймизки, клиник ординатура орқали бошланган ўқитиш бу муаммоларни ҳал қилишда ўз самарасини беради.

Кейинги йилларда мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги беш йилда 496 акушер-гинеколог, 665 педиатр, 141 неонатолог ва 201 нафар анестезиолог-реаниматолог малака оширди. Киев, Харьков шаҳарлари, Туркия ва Австрияда ҳам мутахассисларимиз тажриба орттириб қайтишди. Шу йилнинг ўзида олти мутахассис Харьковда ва Ўртачирчиқ тумани болалар шифохонаси шифокорларидан етти нафари Жанубий Корея республикасида бир ойлик ўқув курсларида малака оширишди.

Вилоят репродуктив саломатлик маркази ҳамда унинг Бекобод шаҳридаги филиалида шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари репродуктив саломатлик масалалари бўйича ўқитилмоқда.

Шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирганмиз. Кейинги бир йилда жойларда 9532 марта суҳбат, 876 марта савол-жавоб кечалари ўтказилди. Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантиришда шифокорлар учун «Саломатлик» институти вилоят филиали ходимлари томонидан тайёрланаётган қўлланмалар ҳам қўл келаяпти.

– Ислоҳотлар жараёнида халқаро ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутади. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Бу йўналишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Бехатар оналикни таъминлаш» дастури доирасида вилоятдаги барча туғруқ комплексларида ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари ўқитилди. «Кўкрак сути билан эмизишни рағбатлантириш ва тарғиботи» бўйича ЮНИСЕФ ташкилоти дастурига асосан вилоятнинг 10 та туғруқ комплекси ҳамда 10 та болалар поликлиникаси халқаро сертификат олди. Дастурнинг татбиқ этилиши ўткир ичак инфекцияси касалликлари, туғруқ комплексларидаги акушерлик асоратларининг камайишига олиб келди.

Шунингдек, поликлиника хизматини яхшилаш бўйича қишлоқ врачлик пунктларини «Саломатлик-2» дастури асосида тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи ҳам устувор вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Ҳозиргача вилоятдаги 245 та қишлоқ врачлик пунктлари 50 турдаги тиббий анжомлар билан таъминланди. Бунинг учун 814 миллион сўм сарфланди. Қолаверса, Япония ҳукуматининг «ЖАЙКА» дастури асосида Зангиота, Тошкент, Қибрай ҳамда Юқоричирчиқ туманларидаги 64 та қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчиманки, бугун соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаати, унинг турмуш фаровонлиги ва албатта, соғлом яшашига қаратилгандир. Бинобарин, эртанги кун ворисларининг соғ-саломат камолга етиши, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг асл мақсадидир.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Кўргазма

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида рассомлар кунига бағишланган анъанавий «Тасвирий санъат ҳафталиги – 2008» кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Илҳомланиш» деб ном олган бу йилги кўргазмада ижодий йўналишда таълим олаётган Бадиий академия тизимидаги ўқув муассасалари талаба ва ўқувчилари ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари бўлган усталар ва рассомлар ўз асарлари билан қатнашдилар. Ҳафталикнинг ҳар бир куни маълум бир мавзуга бағишланди. Ҳафталик давомида кўргазма экспозицияларида рангтасвир асарлар, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик санъати намуналари, зардўзлик буюмлари, дизайн ва бошқа санъат турлари бўйича асарлар намойиш этилди. Уларда юртимизнинг турли фасллардаги табиат манзаралари, тарихий шахслар, воқеалар, хотин-қизлар портретлари, меъморий ёдгорликлар акс этган асарлар, маданият, урф-одатларимиз, қадриятларимиз, ижтимоий ҳаётимизнинг турли қирралари ўз аксини топган.

Бу ерга келган ёшлар ўзларининг бадиий дидларини ўстириш, маънавий дунёқарашларини янада бойитиш, рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва бошқа санъат турлари бўйича ижодкорларнинг иш жараёни билан танишиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Тошкент Давлат аграр университетининг талабаларида кўргазмалар залига қўйилган санъат асарлари катта таассурот қолдирди, улар тасаввурини бадиий, маънавий жиҳатдан бойитди. Кўргазмага қўйилган санъат асарлари ёшларнинг ўзликни англаш, етук мутахассис бўлиб етишиш, ижтимоий фанларнинг мазмун-моҳиятини тушунишларида қўл келади, албатта.

Ҳафталикда Жанубий Корея рассомлари ҳам юртимиз вакиллари қаторида ўз ижодий ишларини намойиш этдилар.

Бадиий жамоатчилик ва тасвирий санъат ихлосмандлари орасида катта қизиқиш уйғотган ушбу санъат байрами Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги «Ўзбектуризм», «Ўзбеккино» компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

АГРОСАНОАТ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши «Ёшлар йили» дастури доирасида Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат ташкил этди.

ПОЙТАХТГА САЁҲАТ

2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий шаҳарнинг Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий театри, Истиқлол майдони, Кўкалдош жоме масжиди, Мустақиллик майдони, Ҳастимом меъморчилик ёдгорлиги, Тошкент телеминораси, Шаҳидлар хотираси майдони касаба ташкилотлари фаолларида чуқур таассурот қолдирди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

ХАВФСИЗЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Энергетика Марказий Осиё иқтисодий хавфсизлигининг омили сифатида" мавзуидаги халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Сиёсий тадқиқотлар маркази ва ушбу университет томонидан ташкил этилди.

Унда Марказий Осиё, Шимоли-шарқий ва Жанубий Осиё, Европа мамлакатлари, Америка ва Россиядан халқаро экспертлар иштирок этди.

Бу ерда ўтган баҳс-мунозаралар давомида Марказий Осиё ичида ҳамда минтақа давлатлари, хорижий истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва транзитчилар ўртасида энергетика ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари бўйича эркин фикр алмашилди.

Учрашувда сиёсат ва иқтисодиётда энергетика омилининг муҳим ўрни, Марказий Осиё энергетика салоҳиятининг дунё ривожланишидаги аҳамияти, энергия ресурсларини Марказий Осиёдан транспортировка қилишнинг жорий ва истиқболдаги йўналишлари, манфаатдор мамлакатлар позицияси ва ёндашувлари каби кенг кўламли долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий жозибадорлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги, қайта тикланаётган энергия манбаларини ривожлантириш, нефть-газ экспорт қиладиган мамлакатларнинг энергия ресурслари истеъмолчилари билан халқаро ҳамкорлиги каби мавзулар ҳам муҳокама этилди.

ЎзА.

ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРИШМАДИ

ТОШКЕНТ туманида бандликка кўмаклашувчи марказ ташаббуси билан бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. У вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ва бир қатор манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилди.

Ярмаркада асосан тумандаги, шунингдек, унга чегарадош ҳудудлардаги 60 га яқин корхона-ташкилот, 50 дан зиёд фермер хўжаликлари қарийб 540 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

«Байтекс» қўшма корхонаси 80 та, Учтепа туманидаги «Учтепатекс» қўшма корхонаси 50 та, Тошкент туманидаги «Московские деликатесы» корхонаси ўндан ортиқ иш ўринларини таклиф этди. Аҳамиятли жиҳати бу иш ўринларининг аксариятига алоҳида мутахассислик талаб этилмайди.

– Қўктеракдаги нон цехига ишга жойлашдим, – дейди иш сўровчи Азиза Қосимхўжаева. – Бундай ишни анчадан буён қидириб юргандим. Бугунги ярмарка менга жуда қўл келди.

– Болажонлар билан ишлаш жону дилим, – дейди яна бир қатнашчи Азима Азимова. – Уйимиз яқинидаги болалар боғчасида бўш ўрин бор экан, иккиланмасдан таклифни қабул қилдим.

Тадбир давомида 145 маҳаллий хотин-қизлар турли соҳалар бўйича ишга жойлашишди, ўрта-махсус, касб-ҳунар коллежларининг 110 талабаси асосан ўз мутахассисликлари бўйича ишга қабул қилиндилар. Шунингдек, бир гуруҳ фуқаролар тумандаги фермер хўжаликларига шартнома асосида мавсумий хизматга жалб этилдилар. Мактаб битирувчиларидан қарийб 150 нафари ўзларини қизиқтирган мутахассисликлари бўйича касб-ҳунарга йўналтирилди. Тўқсонга яқин уй бекалари касаначилик асосида фойдали юмуш билан таъминландилар.

СУРАТЛАРДА: ярмарка пайтида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга кенг имкониятлар яратиш, ҳамда бандлиги ва даромадини ошириш борасида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритмаслик сабаблари юзасидан мониторинг ўтказиб, 21 та туман ва шаҳар ҳокимликларига хатлар ҳамда вилоят ҳокимлигига мазкур масала юзасидан ахборотнома юборилди.

2006-2007 йиллар давомида назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти юзасидан ўтказилган текширишлар таҳлилий ўрганиб чиқилиб, 7 та туманда текширишлар сони ортганлиги аниқланди ва бу ҳолатлар юзасидан 21 та туман ва шаҳар ҳокимликларига ҳамда вилоят ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида кўрсатма хатлари юборилди ва мазкур ҳолатларга ваколат доирасида қонуний чоралар қўллаш бўйича вилоят прокурорига хат киритилди. Шунингдек, назорат қилувчи идоралар бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра назорат қилувчи 6 та идоранинг вилоят бошқармалари раҳбарларига огоҳнома киритилди.

«Текширишларни рўйхатга олиш китоби» юзасидан 73 та тадбиркорлик субъектларида мониторинг ўтказилди. Мониторингда 7 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, шулар юзасидан 1 та тақдимнома, 2 та огоҳнома, 1 та мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан таклиф киритилди. Кўрилган чораларга асосан 1 та мансабдор шахс маъмурий, 3 та шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Бекобод шаҳар жиноят ишлари бўйича судига маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган таклиф асосида шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази шифокори F. Тангировга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Жорий йилнинг 1 чорагида бўлимга тушган шикоятларнинг 14 таси тўлиқ асосли деб топилиб, қаноатлантирилди. Масалан, Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган «Зангиота сервис» МЧЖ тугатувчиси Н. Нажмиддинованинг туман ДСИ ходимлари ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилиб, инспекция ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва унга илова қилинган Низом талаблари бузилганлиги аниқланди. Бундай ҳолатларга йўл қўйган ходимлар Д. Самадов ва Б. Абдурасуловни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан вилоят прокуратурасига киритилган таклифга асосан Д. Самадовга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан қарор чиқарилди.

Бўлимнинг ишонч телефонига тушган мурожаатларнинг 8 таси бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқи тикланди. Жумладан, хусусий тадбиркор А. Отақўзиев Янгийўл шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими ходимлари ҳаракатидан норози бўлиб ишонч телефонига мурожаат қилди. Ўрганиш натижасида шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими ходимлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги йўриқнома талабларини бузганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан вилоят ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармасига тақдимнома киритилиб, бўлим ходими М. Раҳмонқуловга нисбатан ҳайфсан эълон қилинди.

2008 йилнинг 1-чорагида жами 26 та тақдимнома киритилди, уларнинг ижроси бўйича 31 шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 1.778.459 сўм тадбиркорлик субъектларига қайтарилди. Шунингдек, 8 та огоҳнома ва 22 кўрсатма киритилди. Тошкент вилояти прокуратурасига маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 3 та таклиф киритилди, 4 та маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича судларга юборилди.

Тадбиркорлик муносабатлари юзасидан 20.150.040 сўмлик 34 та даъво аризаси киритилган бўлиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилди. Вилоят хўжалик суди томонидан кўрилган 797 та хўжалик ишлари ўрганиб чиқилди ва 4 та таклиф киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва турмуш фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат эканлиги ҳар биримизнинг ёдимизда бўлиши лозим.

Иброҳим ХОТАМОВ, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

ИСТЕЪМОЛЧИ БИЛИМЛИ БЎЛСА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсад ва моҳияти, муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раҳбар ва мутахассислари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро кенгаш аъзолари, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз», «Сувсоз», уяли алоқа компаниялари ҳамда бир қатор корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

Семинарда қонунга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан сўз юритилди. Кўп ҳолларда сотувчилар ишлаб чиқариш муддати кўрсатилмаган товарларни сотиш учун қабул қилмоқдалар. Қонуннинг 11-моддасига кўра эса, товарда ишлаб чиқариш санаси ва яроқлилик муддати, сақлаш шароити кўрсатилган бўлиши шарт. Сотувчилар учун муддати кўрсатилмаган ёки бу муддат ўтиб кетган товарларни қабул қилиш ва сотиш ман қилинган. Лекин, қонунда ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган товарларни қабул қилганлик учун тайёрловчига (бажарувчи, сотувчига) нисбатан жавобгарлик белгиланмаган эди.

Сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаган маҳсулотларни қабул қилишни тақиқлаш мақсадида мазкур қўшимча киритилди.

Шунингдек, қонунда кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишни тақиқловчи норма мавжуд эмас эди. Шу сабабли, истеъмолчилардан амалда кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишни тақиқлаш мақсадида қонуннинг 21-моддасига қўшимча киритилди. Белгиланган талабларга риоя этилиши ҳамда давлат назоратини самарали амалга ошириш мақсадида қонуннинг 27-моддасига ваколатли давлат органига маълумот тақдим этмаганлик ёки нотўғри маълумот берганлик учун санкция қўллашга оид қўшимча ҳам киритилди.

Хуршида НАЗАРОВА. «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент тумани Ҳасанбой ширкат хўжалиги, Ҳасанбой 5-тор кўчасидаги "Камол-Уматдош" МЧЖ омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент тумани судининг 10.05.2007 йилдаги 1764-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ 24" русумли, д/р 20N6692 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 400 000 сўм.** 2. ЖИБ Тошкент тумани судининг 26.03.2008 йилдаги 103-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Камаз 53212" русумли, д/р 11V2293 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм.** 3. ЖИБ Тошкент тумани судининг 18.05.2007 йилдаги 230-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Subaru Outback" русумли, д/р A312PAN бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 30 468 291 сўм 52 тийин.** Аукцион савдоси 2008 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч. 1-А уй. **Тел.:** 228-79-52. **www.rkmb.uz**

Касаначилик

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида Олмалиқда 2008 йил дастурига мувофиқ 407 та касаначилик иш ўринлари ташкил этилди. «Олмалиқ кон металлургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмасининг механика-таъмирлаш заводида бўлган навбатдаги ишлаб чиқариш йиғилишида бир қатор рационализаторлик таклифлари кўриб чиқилиб, аксариятини синов учун амалиётга жорий этиш юзасидан фикрлар билдирилди.

ОИЛАНИНГ МУҚИМ ДАРОМАД МАНБАИ

– Геннадий Санкевич, сизнинг муҳандислик лойиҳаларингиз амалиётда жуда қўл келаяпти, – дейишди кенгаш аъзолари. – Бирлашма раҳбарияти ҳам кўмагингиздан бениҳоя миннатдор.

– Имконият борича-да, – камтарлик қилди одатдагидай Геннадий Санкевич. – Эҳ, оёқларим соғ бўлсайди, қадрдон заводни умрим охиригача тарк этмаган бўлардим.

– Кўнглингизни чўктирманг, ҳалиям сиз бизнинг сафимиздасиз, – дейишди завод ишчилари. – Уйда ўтириб ҳам корхона учун кўп иш қилаяпсиз. Ўрни келганда ёш мутахассисларга ихтирочиликда устозлик қилаяпсиз, ўргатаяпсиз.

Геннадий Кимнинг мутахассислиги – кончилик соҳаси бўйича муҳандис-конструктор. Тўрт мучаси соғ пайтида комбинатда самарали ишлади. Сурункали бод кейинчалик уни ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлди. Унинг эътироф этишича, ҳалиям атрофида комбинат раҳбарлари, яхши инсонлар борлиги учун ҳаётга умид билан қарайди.

– Касаначилик йўналишида шаҳарда ташкил этилган иш ўринларининг 78 фоизи комбинат ҳиссасига тўғри келади, – дейди бирлашманинг халқ истеъмоли моллари тайёрлаш бўлими бошлиғи Виктор Чагай. – Созлаш, лойиҳалаш, маиший, санитария, ободончилик каби 30 дан ортиқ касб йўналишлари бўйича шуғулланаётган касаначиларимизнинг комбинатдан олаётган ойлик иш ҳақи ўртача 120-140 минг сўмдан кам бўлмаяпти. Бир жиҳатдан корхонага ҳам фойда. Бирлашма бошқарув кенгаши бу йил касаначилик йўналишида 140 та иш ўрни яратди.

Гиламчиликка ихтисослашган Ўзбекистон – Эрон ҳамкорлигидаги «Поёндоз» қўшма корхонаси директори Фарҳод Шариповнинг эътироф этишича, касаначилик бўйича янги иш ўринлари яратилаётгани корхона учун ҳам, касаначи учун ҳам манфаатли. Ахир, корхонанинг ҳақиқий аъзоларига айланган 300 дан зиёд касаначи ўз меҳнати билан «Поёндоз»га ҳам, оила бюджетига ҳам даромад келтираяпти.

– Мен корхонада ишлаб чиқарилаётган гилам қолдиқларидан уй остонаси ҳамда ваннахоналар учун кичик поёндозлар тайёрлайман, – дейди Венера Мирзаева. – Болаларим ёш, уларнинг тарбияси билан бир қаторда, касаначилик билан шуғулланаман. Бундай имконият ва шароитларни яратиб берган давлатимизга раҳмат. Яна бир жиҳати, мактабда ўқиётган қизларим ҳам менга кўмакчи. Бу касб, айниқса, қизлар учун келажакда асқотади.

Дарҳақиқат, саноат шаҳри Олмалиқда бугун аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган касаначиликни ривожлантиришга шаҳар ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлар жиддий ёндашмоқда. Айни вақтда шаҳарда касаначиликнинг 35 та йўналиши бўйича 44 та корхона ва ташкилот базасида иш ўринлари ташкил этилган.

Бугунги кунда ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон манфаатларига хизмат қилувчи асосий омиллар қатори касаначиликни кенг йўлга қўйиш, айнан шу йўналишда барпо этилаётган иш ўринларини республикамиз миқёсида 2010 йилга бориб 250 мингтага етказиш кўзда тутилган экан, Олмалиқ шаҳрида ҳам бу борада мақсадли вазифалар амалга оширилаётганлиги қувонарлидир.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КРЕДИТ УЮШМАСИ

ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларнинг жамғармаларини нафақат ишончли сақлаб, балки вақт давомида кўпайтириб берадиган демократик молиявий институтдир

«Бозор иқтисодиёти». «Бозор муносабатлари». «Иқтисодий ислоҳот».

Бу тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Зеро, улар ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини қўллайдиган, тўлдирадиган, такомиллаштирадиган тамойиллардир. Бозор иқтисодиёти халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига тегишли корхона-ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорлик жараёнларида турлича муносабатлар амал қилиши заруратини тақозо этади.

Ҳар қандай иқтисодий ислоҳотлар эса, айнан ўша муносабатларни у ёки бу даражада ўзгартириш ёки янгиларини жорий этиш мақсадида ўтказиладики, бу пировардида ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириб, иқтисодий тараққиётнинг жадал ривожланиши ва халқ турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келади.

Юқоридаги уч омилни банк тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, бу тизим – иқтисодиётнинг молиявий таянчи. Унинг хизматисиз иқтисодиётни тараққий эттириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти ва банк тизими ҳамма вақт бир-бирини такомиллаштириб, ривожлантириб келган ва доимо шундай бўлиб қолади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан фуқаролар учун ўз жамғармаларини нафақат ишончли сақлаш, балки уни банк тизимида айланиши орқали барқарор кўпайтириб боришнинг бир қатор қулай усуллари юзага келди. Иқтисодчи мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда аҳоли учун ўз жамғармаларини сақлаш ва янада кўпайтиришнинг энг самарали усули омонат ҳисобларини очишдир. Мана беш йилдирки, замонавий демократик молия институтларидан бири ҳисоблануви кредит уюшмалари ҳам бу соҳада изчил фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни 2002 йилнинг мартидан кучга киргач, бу жараён янада тезлашди.

Республика Марказий банки ушбу Қонун асосида янги ташкил этилаётган кредит уюшмаларига лицензиялар бермоқда ва улар фаолиятини назорат қилиб бормоқда. Шу мақсадларда қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Улар негизида лицензиялаш, молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини олиб бориш тартиб-қоидалари қабул қилинган.

Ҳозирги кунда республика ҳудудида ўз сафига 66 минг аъзони бирлаштирган кредит уюшмалари қонуний фаолият юритмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу 2006 йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Демак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, кредит уюшмалари тобора аҳоли эътиборини қозонмоқда, обрў ва нуфузи ортиб бормоқда.

Молия тизими

Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган «Замин капитал» кредит уюшмасини ана шундай нуфузли молия институтларидан бири дейиш мумкин. Унинг фаолият бошлаганига аслида ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У 2007 йилнинг 24 декабрида Марказий банк рўйхатидан ўтиб, лицензия олди. Шунга қарамай, ўз аъзоларига намунали депозит ва кредит хизмати кўрсатмоқда.

– Уюшмамизга аъзо бўлиш жуда осон ва ҳар томонлама фойдалидир, – дейди унинг раиси Абдураҳим Турғунбоев. – Бунинг учун ёзма ариза билан мурожаат қилинса ва бор-йўғи 5 минг сўмлик энг кам бадал ҳақи тўланса, кифоя.

Тўғри, кредит уюшмаси ажратадиган кредитлар миқдори у қадар катта бўлмаслиги мумкин. Аммо ҳамма гап ундан келадиган нафда. Зеро, уюшма кредитлари асосан касаначиликни ривожлантиришга, кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган нарсаларни харид қилишга сарфланади.

Кредит уюшмаси депозитлари аъзолар учун янги-янги имкониятлар сари кенг йўл очмоқда. Омонатчилар ўз депозитларини тўлдиришлари, ҳисоблаб кўшиладиган фоизларни қайтариш муҳлатлари ва дастурларини ўзлари белгилашлари мумкин. Фоизлар ставкасини ҳисоблашда депозитларнинг тури ва муҳлатлари, молиявий бозорда айни пайтдаги вазият инобатга олинади. Чунончи, яқинда республикада аҳоли омонатлари учун ставкалар фоизи оширилиши муносабати билан уюшма ўз аъзоларининг янги депозитлари йиллик фоизини 42 фоиз қилиб белгилади.

Уюшма янги депозит дастурлари ҳамда аъзоларнинг эҳтиёжи ва талабларига мос мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш борасида тинмай изланмоқда. Йиғилган депозит маблағлари хусусий тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланувчи аъзоларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Масалан, шу йилнинг ўтган даврида юқоридаги мақсадлар учун 120 миллион сўм кредит ажратилди.

– Аҳолининг қурилиш ашёларига талаб-эҳтиёжи йил сайин ошиб бораяпти, – дейди савдо-воситачилик билан шуғулланувчи олмалиқлик тадбиркор Алишер Ҳайитқулов. – Бу эса биз каби тадбиркорлар олдига ўз фаолиятимизни кенгайтириб бориш вазифасини кўндаланг қўяяпти. Шуни ҳисобга олиб «Замин капитал»дан 8 миллион сўм кредит олдим.

– Бизнинг хўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашган, – дейди фермер Шарифа Ўрозова. – Мол туёғини кўпайтириш ва зотини яхшилашга интилиб иш юритмасак бўлмайди. Бу эса вақти келганда катта сарф-харажатларни талаб этади. «Замин капитал»га аъзолигим кўл келиб, 3,5 миллион сўм кредит олдим. Мақсадим – гўшт ва сут маҳсулотларини янада кўпайтириш.

– Кредит уюшмамиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига замонавий молия хизмати кўрсатишга бел боғлаган экан, аъзоларимиз сафи кенгайиб, ишларимиз кўпайиб бориши табиий ҳол, – дейди уюшма раиси А. Турғунбоев. – Қолаверса, аҳоли учун янги-янги иш ўринлари очиб, турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшаётганимиз бизга кўтаринки руҳ ва куч-ғайрат бағишлайди. Демак, уюшмамизнинг тобора кенгайиб, фаолиятимиз изчил ривожланиб боришига ишонамиз.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

БЕКОБОД шаҳар ижтимоий таъминот бўлими соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда шаҳардаги ёлғиз пенсионерлар, ногирон кекса ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказди.

Улардан 17 нафари стационарда, 90 нафари эса уйда даволанишга муҳтожлиги аниқланиб, зарур ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, уруш қатнашчилари, ногиронлар ҳамда фронт ортида самарали меҳнат қилганларнинг 75 нафарига «Ўзметкомбинат» АИЧБ томонидан «Чорвоқ» дам олиш сиҳатгоҳига бепул йўлланма берилди. «Бекобод автобус-такси саройи» ҳомийлигида 36 нафар ёлғиз пенсионер шаҳар атрофида қатновчи транспортларда бепул юриш ҳуқуқини берувчи чипталар билан таъминланди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Қишлоқ мулкдорлари

ҚАНДИНГНИ УР, БУНЁД

МАШҲУР қизиқчимиз таъбири билан айтганда, бугун қишлоқда оддий тракторчининг ҳам иши «беш». Ер фермерлар қўлига тегиб, қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг янги, замонавий шаклига ўтилгач, техника деҳқон учун сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолган бир пайтда тракторчилар ҳам ҳар қандай хўжаликни ҳаракатлантирувчи кучга айланди, десак муболаға бўлмайди.

Оққўрғонлик Бунёд Қурбонов мактабда ёмон ўқимади. Бироқ унда болаликдан ота касбига меҳр уйғониб, моҳир механизатор бўлишга аҳд қилди. Шу иштиёқ уни Бўка туманидаги механизаторлар тайёрлайдиган билим юртига етаклади.

– Отам бир умр шу касб ортидан эъзоз топдилар, – дейди Бунёд. – Бизларни бировдан кам қилмай ўстирдилар. Даврнинг туҳфаси бўлиб, отам ҳозир туманимизнинг кўзга кўринган фермерларидан бирига айландилар. 50 гектар еримиз, қўша-қўша техникамиз, шахсий автомобилларимиз бор. Мен механизатор сифатида ўз хўжалигимизда ишлаб, отам ва деҳқонларимиз учун энг яқин кўмакчи бўлаётганимдан мамнунман.

Бунёд шу билангина кифояланмаяпти. У хўжаликдаги ўнга яқин трактор ва агротехник ускуналар ёрдамида қўшни фермерларнинг ҳам оғирини енгил қилмоқда. Шу орқали «Бурхон» фермер хўжалиги бир мавсумда 4,5-5 миллион сўм атрофида фойда кўраяпти.

Иш билганга минг танга, деганлари шу бўлади.

СУРАТДА: Бунёд Қурбонов қадрдон трактори билан иш устида.

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

«ШОҲСАНАМ»НИНГ ҚИЗЛАРИ

ЧИРЧИҚ шаҳридаги «Шоҳсанам» масъулияти чекланган жамияти ўқув марказида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, тарбияси оғир ўсмир ёшлар учун тикувчилик, каштачилик каби миллий ҳунармандчилик турлари бўйича ўқув машғулотлари бепул олиб борилмоқда.

Ўтган йили ўқув марказини бундай ёшлардан 76 нафари битириб чиқди. Яқинда ёш ҳунармандлар томонидан тайёрланган палак, дўппи ва турли кийим-кечакларга шаҳарда ўтказилган миллий каштачилик ва ҳунармандчилик кўргазмаларида юқори баҳо берилди.

Мунаввара РАЖАББОЕВА.

Қарор ва ижро

ЯНГИ РЕЖАЛАРНИ КЎЗЛАБ

«ИТТИФОҚ» фермер хўжалиги соҳиби Асқарали Акбаровнинг бугунги саъй-ҳаракатлари қизғин. Негаки, олтита болалар боғчасини шартнома асосида сут билан узлуксиз таъминлаш осон эмас.

– Бунинг учун 55 бош соғин сигирни тўйимли озуқалар билан боқишимиз керак, – дейди фермер. – Умуман, хўжалигимизда 135 бош қорамолни парваришламоқдамиз. Етарли озуқага эга бўлиш учун 32 гектар майдонда беда ва маккажўхоридан юқори ҳосил олишни кўзлаяпмиз. Бундан ташқари кўп майдонларга оралиқ экинлар экиб, қўшимча озуқа жамғарамиз. Бунинг учун ҳар бир ишни режа асосида, кунма-кун бажариб боришимиз керак. Шундагина кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

Фермернинг режалари эса катта. У бу йил наслчилик хўжаликларидан яна 20-30 бош зотдор ғунажин сотиб олмоқчи. Гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бориш туфайли кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, байрамларда МТП ходимларини гўшт билан таъминлаш имкони туғилаяпти. Хўжалик шундай оилаларга 6 бош қорамолни хайрия ёрдами сифатида тарқатди.

Бекобод туманида бундай хўжаликлар оз эмас. А. Эргашев номли фермер хўжалиги, масалан, туман марказий шифохонасига ҳар йили 8-10 тонна гўшт етказиб бераётир. Хўжалик ўтган йилни 16 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган оилаларга 10 бош қўй, 6 бош қорамол тарқатилди.

– Биз маҳсулотларимизни шартнома асосида туман бозорида, икки боғча ва касалхонага сотаётирмиз, – дейди «Тонг» фермер хўжалиги соҳиби Омонқул Рустамов. – Давлатимиз раҳбарининг янги қарори чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида тўйимли ем-хашак етиштириш, мол зотини яхшилаш ва уни кўпайтиришга кенг йўл очади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини яна ҳам равнақ топтириш учун кенг қамровли ишлар амалга оширилишини кўзда тутади. Бу гўшт-сут етиштирувчи 53 та фермер хўжалиги соҳибларида қатъий ишонч уйғотмоқда.

– Фермер хўжаликлари ҳозир 3213 бош қорамол, шу жумладан, 1325 бош сигирга эга. Улар ўтган йили истеъмолчиларга 44 тонна гўшт, 434 тонна сут етказиб беришди. Куни кеча чорвадор фермерлар ўқиши ўтказилди. Уни агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташкил этди. Малакали мутахассислар чорвачиликни ривожлантириш учун очилаётган имкониятлар, яратилаётган имтиёзлар ҳақида гапириб беришди. Фермер хўжаликлари четдан 200 бош зотдор қорамол олиш, наслни яхшилаш, шу йўл билан кўпроқ гўшт ва сут етиштиришни кўзлаб меҳнат қилишмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.

Муштарий мактублари

ҲАРАКАТ УМИДСИЗЛИКНИ ЕНГАДИ

2008 йил 20 февраль куни тунда ҳовлимиз этагидан оқиб ўтувчи катта ариқда сув бирдан кўпайиб, уйимизга тошиб кетди. Натижада хоналар сувга тўлиб, яшаб бўлмайдиган ҳолга келиб қолди.

Бир ҳовлида уч хўжалик – мен ва икки фарзандим, икки келиним ва набираларим яшаймиз. Айни кунда уйимиз ачинарли аҳволда.

Ўзим нафақадаман, фарзандларим давлат ташкилотларида меҳнат қилишади. Қўшимча даромадимиз йўқ. Шунинг учун уйни қайта қуришга қўлимиз қисқалик қиляпти. Ёрдам беришларини сўраб, турли ташкилотларга мурожаат қиляпман, лекин ҳозирча ҳеч қандай натижа бўлмаяпти.

Ойша ЮСУПОВА,
Чиноз тумани, Ойдин маҳалласи.

ТАҲРИРИЯТДАН: *Чиноз тумани ҳокимлиги ёрдамга муҳтож бўлиб қолган Ойша Юсупова хонадонига тумандаги жамоат ва хайрия ташкилотлари билан биргаликда ёрдам қўлини чўзади, деб умид қиламиз. Қолаверса, тижорат банкларининг ёш оилаларга ажратадиган имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларидан ҳам бемалол фойдаланиш мумкин.*

ИБО-ҲАЁДА ТЕНГСИЗСИЗ, АММО...

Кейинги пайтларда биз азалдан юксак қадрлаб, авайлаб келаётган шарм-ҳаё, ибо каби хотин-қизларимизга хос хислатлар йўқолиб бораётгандек, назаримда.

Бу ҳақда жуда кўп ва хўп гапирилаяпти. Аммо шунчаки гаплигича қолиб кетаяпти...

Биз Бўстонлиқ туманида яшаймиз. Ёз кунлари бизнинг Хўжакент қишлоғига ҳам дам олувчилар келишади. Улар орасида хотин-қизларнинг кўплиги ва уларнинг кийиниши, юриш-туриши, хулқ-атвори маҳаллий ёш аёл ва қизларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўтган йили ёз кунларининг бирида бозорга йўлим тушди. Бир пайт дам олишга келаётган ёш-яланглар микроавтобусдан тушиб, бозорга кира бошлашди. Улар орасидаги қизларнинг кийимлари соҳида чўмилаётганларни эслатарди. Атрофдагиларнинг кўзи ўшаларда. Кимдир бу ҳолни қораласа, кимдир «ёшда, кейин қуйилиб қолади» деб уларни оқлашга ҳаракат қиларди...

Шу ўринда бир гап: фарзандларининг очиқ-сочиқ кийинишларига рухсат бериб қўйган ота-оналар ўз қилмишларининг оқибати ҳақида бир ўйлаб кўришса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Аъзам ЭРГАШЕВ,
меҳнат фахрийси.

ҲАДДИНИ БИЛСАНГ, КОНИ ФОЙДА

Сўнгги пайтларда ёшларнинг интернет тармоғи ва компьютер технологияларига муносабатларига турлича қарашлар пайдо бўлмоқда. Бу ҳақда матбуот, телевидение ва радиода баҳс-мунозаралар уюштирилмоқда...

Дарҳақиқат, бугунги кунимизни замонавий компьютерсиз ёхуд маълумотларга бой бўлган интернет тармоғисиз тасаввур қилиш мушкул. Тўғрида, оддийгина бирор матнни қоғозга туширмоқчи бўлсангиз, илгаригидек, машинкада тараққатуруқ қилиб ўтирмайсиз. Борди-ю, хато қилсангиз ҳам компьютерда бу мушкулотни тезда ҳал қиласиз – қайта кўчириб ўтирмайсиз. Ёхуд бирор манба зарур бўлиб қолса, интернет тармоғига кириб, керакли нарсанинг номини ёзсангиз бас, сизга у ҳақда керагидан ортиқ маълумотларни чиқариб беради.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тезкорлик ва кўпроқ ахборотга эга бўлиш нуқтаи-назаридан ушбу замонавий техника ва тармоқнинг шиддат билан ривожланиб бораётган замон учун нақадар муҳимлигига шубҳа йўқ. Аммо, масаланинг иккинчи томонига эътибор қаратилса, бу имкониятлар кишиларни, айниқса, ёшларимизни дангаса қилиб қўяётгандек, билим олишнинг енгил томонини танлашга ўргатаётгандек, туюлади.

Институт талабаси, ҳатто, мактаб ўқувчиси ҳам ёзма топшириқларни интернетдаги тайёр манба орқали тайёрлаётгани ҳам бор гап. Хулоса қилиб айтганда, бу иллат бугунги ва эртанги авлоднинг билим савиясига салбий таъсир этмасмикин?

Сиз бунга нима дейсиз?

Абдукарим СОЛИЕВ.

ИМКОН БЕРИШ ҲАМ КЕРАК

Баъзан ёш оилаларнинг бузилиб кетаётгани ҳақида сўз борганида асосий айбни ёшлар зиммасига юклаймиз.

Аслида эса, бунга биз катталар ҳам айбдормиз. Айниқса, ёшларнинг ўртасига тушиб, турмушларига ҳуда-беҳуда аралашавериш, уларнинг ўзларигагина тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилишга уринишимиз кўп ҳолларда акс натижа бериши мумкин. Бу охир-оқибат қудалар ўртасига совуқчилик туширишги, ёш оиланинг эса ажрашиб кетишига сабаб бўлади.

– Мен келинимни бошидан қаттиқ ушлайман, – дейди ҳар доим уйида жанжал бўлиб турадиган танишим. – Ахир келинни эркалатиб юборсангиз, бошингизга чиқиб олади-да.

Яқинда эшитиб қолдим: шу танишимнинг келини кетиб қолибди. Сабаби эса, маълум – қайнона келинни ўз ҳолига қўймас, ҳамма ишларига аралашаверар эди.

Тўғри, биз катталар ёшларнинг хатоларини кўрсатиб туришимиз, уларни тўғри йўлга солишимиз керак. Аммо, бундай назоратни қаттиққўллик ёки қўполлик билан қилиш яхши натижа бермайди...

Ёшларни ўз ҳолига қўйиш, хатоларини ўзлари тушуниб олишларига имкон яратишимиз лозим.

Рустам ТОЛИПОВ.

БАРКАМОЛ АВЛОД – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида университетнинг 90 йиллиги ва Олий педагогика институтининг 15 йиллигига бағишлаб «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича педагоглар малакасини ошириш ва уларни касбий қайта тайёрлаш» мавзуида илмий-услубий семинар ташкил этилди.

Ундан кўзланган мақсад келажагимиз бўлмиш ёш авлодни мустақил фикрлаш ва ижодий ишлашга ўргатиш, уларни миллий ифтихор руҳида тарбиялаб, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришдир.

Машғулотларда бир қатор профессор-ўқитувчи, юздан зиёд тингловчи устозлар иштирок этдилар.

2008 йилда ҳозирги кунниг долзарб масалаларига бағишлаб Олий педагогика институтида чоп этилган, тингловчиларнинг илмий мақолалари қамраб олинган икки йўналишдаги китоблар семинар қатнашчиларига тарқатилди. Олий педагогика институтида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтариш учун ўқув, услубий ва тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйиш билан бир қаторда тингловчиларга зарур маслаҳат ва йўлланмалар бериб борилмоқда.

Семинарда баркамол авлодни қатъий фикрловчи комил инсонлар қилиб тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган бир қатор олимлар қизиқарли маърузалари билан қатнашдилар.

Маърифат ДИМЕТОВА.

ИХТИРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

ПОЙТАХТИМИЗДА "Халқаро интеллектуал мулк куни"га бағишлаб умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Ижодкор-ихтирочи" республика кўрик-танлови ташкил этилди.

У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати "Камалак" болалар ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамкорлигида ўтказилди.

Танловдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи-ёшларнинг техникага оид билимини мустаҳкамлаш, болаларда вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг илм-фан йўналишлари бўйича қизиқиши ва иқтидорини аниқлаш, юртимиздаги мавжуд барча ўқувчилар техник ижодиёт марказлари фаолиятидаги илғор иш тажрибасини оммалаштиришдан иборатдир.

Танловда беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида ғолиб чиққан етмиш нафар ўқувчи ўзининг ихтироси билан иштирок этди. Болаларнинг ижодий ишлари электроника-автоматика, кимё, нефть ва газ саноати, саноат ва агросаноат, транспорт ва ҳарбий техника, табиатни муҳофаза этиш каби йўналишлар бўйича баҳоланди.

ЎзА.

Спорт ... Спорт ... Спорт ... Спорт ... Спорт ... Спорт ... Спорт ... Спорт ... Спорт

ЕТТИНЧИ ТУР:

ИККИ МАҒЛУБИЯТ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионатининг олий лигаси беллашувлари қизғин паллага кирди.

Еттинчи турда "ОТМК" футболчилари Олмаликда олий лига пешқадами "Қурувчи" жамоасини қабул қилди. Етмишинчи дақиқада Анвар Солиев томонидан киритилган ягона гол меҳмонларга яна уч очко тақдим этди.

Иккинчи ўринда бораётган "Пахтакор" эса ўз мухлислари кўз ўнгида "Металлург"ни (Бекобод) 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Владислав Кирьян ва Александр Гейнрихнинг биттадан голи пахтакорчиларга умумий ҳисобда ўн етти очко жамғариш имконини берди.

Еттинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" (Фарғона) – "Машъал" (Муборак) 1:0, "Насаф" (Қарши) – "Андижон" (Андижон) 2:0, "Сўғдиёна" (Жиззах) – "Навбаҳор" (Наманган) 2:1, "Бухоро" (Бухоро) – "Қизилқум" (Зарафшон) 0:2, "ЎзДонгЖу" (Андижон) – "Шўртан" (Ғузор) 0:1, "Динамо" (Самарқанд) – "Локомотив" (Тошкент) 3:0.

ЎзА.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЕТТИНЧИ БЎЛИШДИ

ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, Чирчиқ автомобиль мактабига қарашли Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуида Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан 24-27 апрель кунлари ёзги биатлон бўйича «Ўзбекистон ёшлари ўйинлари» мусобақалари ўтказилди.

Ёшлар йилига бағишланган ушбу мусобақаларда республика вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 84 спортчи 14 жамоага бирлашган ҳолда ғолиблик учун курашди.

Якшанба куни мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими ўтказилиб, ғолиблар эълон қилинди.

Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти биатлончилари республика биринчилиги ғолиби бўлишди. Наманган ва Фарғона вилоятлари жамоалари кейинги совринли ўринларни қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасида шахсий ҳисобда жиззахлик Анузар Юнусов, қизлар ўртасида эса наманганлик Анна Дреева ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасини эгалладилар.

Мусобақаларда ўртача натижа кўрсатган вилоятимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида еттинчи ўрин билан кифояландилар.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчи ҳамда ҳомийларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Bolalik bog'i

KO'ZGU

Lobar har kuni maktabga ketish oldidan ko'zguga qarab, sochini tuzatarkan: "Ko'zguning borligi qanday yaxshi-ya. Agar u bo'lmasa, nima bo'lardi?" deb o'ylardi. U hayotni ko'zgusiz tasavvur qilolmasdi.

– Dilbar, ko'zguning borligi qanday yaxshi-a? – dedi u dugonasiga. – Unga qarab, o'zimizni tartibga keltiramiz.

– Gaping to'g'ri, – dedi Dilbar, – sen juda yaxshi qizsan: aqlli, farosatli. Lekin bitta kamchiliging bor...

– Aytaver, axir biz do'stmiz-ku! Bir-birimizning kamchiligimizni aytib, tuzatishga harakat qilishimiz kerak. – Lobar dugonasining javobini kutmay, birdan quvonib ketdi. – Buni qara, biz bir-birimizga ko'zgu ekanmiz!

– Albatta, – dedi Dilbar. – Ko'zgu faqat tashqi nuqsonlarimizni ko'rsatadi, do'stlar-chi, ham tashqi, ham ichki kamchiliklarni ko'rsatadi. Kerak bo'lsa, nuqsonni bekitadi va uni yo'q qilishga ko'maklashadi. Uning yordamida ichki dunyomiz yanada go'zallashadi.

– Demak, do'stdan tiniq ko'zgu yo'q ekan-da! – dedi Lobar va qo'shib qo'ydi. – Aytganday, mening qanaqa kamchiligim bor ekan?..

Mo'tabar OBIDJONOVA,
Pskent tumani.

ЯНГИ ЛИБОСЛАР НАМОЙИШИ

МИЛЛИЙ санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан баҳорги ва ёзги мавсум либослари коллекцияси намойиш қилинди. Унда пойтахтимиздаги "Дом стиля" модалар уйи модельер-дизайнерлари яратган янги либослар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Санъат, таълим, илм-фан, маданият, спортнинг барча йўналишларида самарали фаолият олиб бораётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга яқиндан кўмаклашиш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

Жамғарманинг мода ва дизайн соҳасида изланаётган бир қатор ёшларни кашф этиш, уларнинг ижодини юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш борасида олиб бораётган ибратли ишлари бунинг далилидир.

Модалар намойишида Дилдора Қосимова, Марат Неъматов, Саодат Муродхўжаева, Лариса Белая, Марҳамат Умарова, Нилуфар Аҳмедова, Гуля Раззоқова, Шерзод Отабоев, Анна Ким, Артём Дробишев каби ўз услуби ва йўналишига эга дизайнерлар билан бирга Паҳлавон Турдиев, Зулфия Султонбоева, Озода Саъдуллаева, Камола Акромова каби умидли модельер-дизайнерларнинг ижодий ишлари ҳам намойиш этилди.

ЎзА.

Одамийлик шеваси

МЕҲР ҚУДРАТИ

Маҳалламиз оқсоқоли, суд ижрочиси, мен – котиб, ранги сўлғин, нимжон, ёшгина келин бир дарвоза олдида турардик.

Кўнглимиз тортмаса ҳам бу хонадонга бир неча бор келганмиз. Ўртанча ўғилнинг турмуши нотинчлигидан аралашишимизга тўғри келган. Келин ночорроқ оиладан бўлиб, ёлғизгина касалманд онасидан бўлак ҳеч кими йўқлиги учунми, уни менсимай, уриб, хўрлашарди. Ажрашишди. Энди унга қизчасини беришмасди.

Дарвозани тақиллатдик. Ҳадеганда жавоб бўлмагач, маҳалла оқсоқоли чақирди.

– Шоҳидахон, келин, бормисизлар?

Анчадан сўнг ичкаридан аёл овози келди:

– Яна келдиларингми? Сизлардан тинчлик борми, йўқми ўзи?

– Тузукмисиз, Шоҳидахон, эшикни очинг. Меҳмон бор. Суддан, – деди оқсоқолимиз салмоқлаб.

– Э-э-э, сут-путингни билмайман. Кетларинг.

– Мен суд ижрочисиман. Илтимос, менга қаранг. Ҳужжатларни кўрсатаман, – деди биз билан келган йигит вазмин оҳангда.

– Э-э, ҳужжат-пужжатларингни билмайман. Набирамни икки дунёда ҳам бермайман. У нонкўрни ҳали қон йиғлатаман.

– Фақат қизимни беринг. Бошқа нарса керакмас, қизимни беринг, – келин ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Олиб бўпсан, ҳали...

– Ойи, ойи, – уйнинг кўча тарафдаги деразасидан қизалоқнинг йиғлаган овози эшитилди.

– Гўзал, Гўзалим, – келин у томонга югурди. Деразани очди-да, қизини ичкаридан кўтариб олди. Она-бола қучоқлашганича, бир-бирларини ялаб-юлқашарди. Кўзларидан ёш оқар, қувончданми, қўрқувданми, қалтирашарди.

Бу ҳолатдан лол бўлиб, бир неча дақиқа қотиб қолдик. Ичкаридаги тасир-тусурдан ўзимизга келдик. Дарвоза очилди. Оқ-сариқдан келган, юз-кўзлари қаҳрли аёл югуриб чиқди. Ортидан новча, ориқ, ғазабли йигит кўринди. Иккаласи важоҳат билан онаболага ёпишишди. Бири жувонни уриб, сочидан юлар, иккинчиси қизчани юлқирди.

– Ҳой, мусулмонлар, майиб қилиб қўясизлар-ку, – бақирди оқсоқолимиз.

Улар ҳеч нарсани эшитишмас, ҳадеб она-болани юлқишарди. Лекин қўрқувдан титраётган, бир-бирига чирмашган бу икки вужудни ажрата олишмасди.

– Қўй, деяпман, қизчани эзиб қўясизлар-ку. Қўй, сенга айтаяпман, эркаксанку, ўғлим. Ўзингни бос.

Вазмин оқсоқолимизнинг шиддат билан улар олдига борганини сезмай ҳам қолдим. У йигитнинг қўлидан тортди. Йигит бақирганича қизчани қўйиб юборди. Она-болани қайнона чангалидан базўр аждратдик. Оқсоқолимиз келинга машинани кўрсатиб, имо қилди. У қизчасини қучганича югуриб кетди.

– Ҳали устларингдан жалба қиламан. Сутга бераман. Ҳали оёқларингни тўздирмасам, – бақирарди қайнона.

– Далолатномани кабинетда тузамиз, – деди оқсоқолимиз титроқ овозда, унинг қўллари қалтирарди.

Суд ижрочиси билан иккаламиз далолатномани ёздик. Ёнимиздаги ўриндиқда она ва қизча ҳамон қучоқлашиб ўтиришар, бир-бирининг меҳрига тўйиишмасди. Шу онда дунёда улардан бахтлироқ инсон йўқ эди, чамамда. Оқсоқол эса тинмай тили остига дори ташларди.

– Жуда бақувват экансизку, бува, йигитнинг қўлини синдиришингизга оз қолди-ёв, – дедим кўнглини кўтариш учун.

– Овозингиз чиқиб қоптими, мулла Мирза. Боягида бор-йўқлигингизни сезмапман, –деди оқсоқолимиз.

Мириқиб кулишдик. Оқсоқол жиддийлашди:

– Э, куч қаёқда, ўғлим, икки кам етмишга кирдим. Бу меҳр ва қаҳр кучи. Бугун қалбимда бу икки ҳиссиётни бараварига ҳис этдим. Қаҳрим меҳримга хизмат қилди, чоғи, – оқсоқолимизнинг кўнгли ёришаётгандек эди.

– Раҳмат ота, бутун умрим сиздан қарздорман, – келин чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

– Арзимайди, қизим. Вазифамиз бу. Чакки томони, қайнонангизни гапига қараганда, қариганимда судланадиганга ҳам ўхшайманов. Худойим, ўзи сақласин.

– Кўрқманг, кўп беришмайди, мен борман, – деди суд ижрочиси жилмайиб. Енгил кулгу кўтарилди.

Келиннинг нозик гавдасига, қизчанинг эса нимжон қўлларига боқиб, жанжал манзарасидан сўнг мени ўйлантираётган саволга жавоб топгандек эдим. Меҳр кучи билак қучидан қудратли экан.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

БИР ҚАДРДОНИМ БЎЛАРДИ...

(Ҳикоя)

Қадрдоним илгари кичкинагина ташкилотда раҳбар бўлиб ишларди. Идораси кўп қаватли бинонинг ўн биринчи қаватида жойлашганди. Ёшликдан маҳаллада бирга ўсиб, копток тепиб катта бўлгандик. Баъзан унинг хонасига бориб қолсам, ўрнидан туриб, қучоқлашиб кўришар, кейин ёнида турган чойнакдан қиёмига етган кўк чойдан бир пиёла қуйиб узатарди. Дил-дилга пайванд бўлиб, ширин суҳбат қурардик. Ўзи шоир табиатли бўлгани учун ёзган ашъорларини завқшавқ билан ўқиб берар, кетмоқчи бўлганимда эса, қўлтиқлаб, кўчагача кузатиб чиқарди.

Дўстимнинг омади чопиб, бирдан катта ишга ўтиб кетди. Эшитиб, хурсанд бўлдим, гўё шундай лавозим ўзимга берилгандай. Қувончим ичимга сиғмай, уни табриклагани бордим. Котибаси «бироз кутиб туринг, телефонда гаплашяптилар» деди. Қабулхонага қўйилган ўриндиқлардан бирига ўтириб, кута бошладим. Котиба қиз менга бир-икки қараб қўйди, гўё бу катта даргоҳга мендек оддий, боз устига қари одам сиғмайдигандай...

Нима ҳам қилардим, бир кўнглим кирмай қўя қолай, иши кўп шекилли, деб қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Кейин, маҳалладош, болаликдан бирга ўсган ўртоғим бўлса-ю, келиб, табрикламай кетаверсам, яхши бўлмас деган хаёлда ўтиравердим.

Бир вақт хонадан катта папка кўтарган кўзойнакли, савлатдор киши чиқиб келди. Ўрнимдан турдим, энди кирмоқчи бўлгандим, котиба:

– Тўхтанг, мен аввал сўраб чиқай, исми шарифингиз нима, – деб қўлидаги кичкинагина дафтарчага ёзиб олди-да, оёғидаги баланд пошнали туфлисини тақиллатиб, ичкарига кириб кетди. Ҳа, катта даргоҳнинг котибаси ҳам ўзига яраша важоҳатли бўлади-да, дейман ўзимга.

Яна ўриндиққа чўкдим. Хаёлимда бир гап: «котиба исмимни айтиши биланоқ дўстим ичкаридан отилиб чиқади-ю, қучоқлаб олади. Кейин хонасига таклиф қилади. Ишқилиб анави котибани хафа қилиб қўймасинда, куттириб қўйгани учун»...

Бир вақт котиба чикди-ю, жойига ўтириб, менга қиё ҳам боқмай, ён дафтарчасига нималарнидир ёза бошлади. Зимдан унга қараб қўяман, кийинишлари башанг, ҳали ёш бўлса ҳам пардозни ўрнига қўйибди. Важоҳатидан гўё бу ерда ўша қиз хўжайиндек.

Энди кирмоқчи эдим, қиз шошма-шошарлигимдан ранжигандай, «Сиз ўтириб туринг, ўзлари чақирадилар» деди қўпол оҳангда. Интизомга бўйсинган ҳолда яна ўриндиққа чўкдим. Шу пайт ичкаридан қўнғироқ бўлди. Котиба яна дарфтарчасини кўтариб кириб кетди, аммо, ҳадеганда чиқавермади, телефонлар бирин-кетин тўхтамай жиринглайди.

Бир неча дақиқа ўтгач, котиба телефонни олдида: «Ҳозир бандлар, кейинроқ қўнғироқ қилинг» деб гўшакни шартта қўйди.

– Сиз менинг исми шарифимни айтдингизми ўзи, – сўрадим энди бироз жаҳлим чиқиб.

– Айтдим, айтдим...

– Энди сиз кираркансиз, – деди ниҳоят.

Хонага кирсам, дўстим Аброр ҳалиям телефонда ким биландир гаплашаётган экан. Мени кўрди-ю, «ўтир-ўтир» дегандек, ишора билан ўриндиқни кўрсатди. Ноилож айтилган жойга чўкдим. У яқин бир сирдоши билан юқори лавозимдаги «катта» ҳақида мулоҳаза юритарди. Гап анча чўзилди, гоҳи-гоҳида менга кўзини қисиб қўяди, гўё гапни қойил қилаётгандай...

Суҳбат тугади, чарчаб кетгандай «уҳ» тортиб, ўзини ўриндиққа ташлади. Кейин менга юзланиб:

– Ҳали ҳам ўша мактабдамисан? – деди.

– Ҳа, нимайди?

– Сўрадим-қўйдим-да.

Столнинг тортмасини очди-да, ниманидир қидира бошлади. Излаган нарсасини топа олмади шекилли, зарда билан қўнғироқни босди. Котиба қўлида ёзув дафтари ва қалам тутиб, эшик ёнида ҳозир бўлди.

– Мана бу тортмада яхши сигарета бор эди, қани ўша?

– Билмадим, анави куни Топил Ҳамроевич билан чекаётган эдингиз-ку!

– Қайси Топил?

– Москвага қатнайди-ю...

Бошлиқ индамади. Котиба эса эшик олдида жимгина турибди, мен бўлсам хижолат чекаман. «Нега келдим-а» деб кўнгилдан ўтказаман.

– Боравер, – деди бошлиқ қизга.

Кейин менга юзланиб:

– Нима иш билан келган эдинг? – деди гўё мен унинг қимматли вақтини олаётгандай.

– Ишим йўқ, шунчаки сени кўриб кетай дедим.

– Ҳалиям мактабдамисан? – яна ўша саволни қайтарди у.

– Ҳа, дедим-ку.

– Менга нима илтимосинг бор? – деди бироз ғаши келгандай.

Энди ўзимни тутиб туролмадим:

– Сени кўр бўлиб қолган деб эшитдим, бир хабар олай дегандим.

Ўрнимдан туриб, хайр-хўшни ҳам насия қилиб, чиқиб кетдим.

Максуд ҚОРИЕВ.

☹ 😐 ☺ ЎҚИМАСАНГ, БИЛМАС ЭДИНГ ☹ 😐 ☺

Афанди узоқдаги дўстига хат ёза бошлабди. Кимдир келиб унинг тепасига қоққан қозиқдек туриб олибди-да, хатни ўқий бошлабди. Бу ҳолат Афандини роса жаҳлини чиқарибди. У хатига мана бундай деб ёзибди: «Қадрдон дўстим, мен сенга кўп нарсалар ҳақида ёзмоқчи эдим, аммо ҳозир бир эшак тепамда туриб олиб, нимаики ёзсам ҳаммасини ўқияпти». Хатни ўқиётган одамнинг жаҳли чиқиб дебди:

– Мени эшак дейишга қандай ҳаддинг сиғди?

– Чунки сен менинг хатимни ўқияпсан, – деб жавоб берибди Афанди.

– Сенинг хатингни қачон ўқибман?

– Хатимни ўқимасанг, сени эшак деб ёзганимни қаердан билдинг?

Утерянный гос. ордер за № 03-01/6435 от 10.03.1993 г. на права собственности на квартиру Кокх Андрея Викторовича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

СКАНВОРД

Милтиқ тури		Югуриш спорти тури		Келин «пули»	Мард, довюрак		Тотув, аҳил	Мато тури	Негиз / Кўҳна					Суяк ёғи / Шеърият
							Бемор хонаси				«... зангламас» (роман)	Кучли шамол (Америка)		
Очқич		Гонконг футболчиси / Маконсиз			... - сингил				... Анжелес (шаҳар)					
					Олис, узоқ						Россия дарёси			
Навоийнинг форсча тахаллуси						Ўч, интиқом		Оташ, ёнғин		Туркманистон пул бирлиги	Пардоз, зеб		... - чикир	
			Латвия пойтахти					Шаклдош сўзлар						
... - дараксиз / Пуфлама сўз				... - қийшиқ		... - атроф								Мусаввир
	«... - адолатда» (А.Темур)		Қад- ...						... - есир					
	Мулла, хатиб					Гина, кек	Жазм, қарор		Ноёб, камёб		... - сира / Спиртли ичимлик			
			Озғин, нимжон		Ука				Ойнаи жаҳон			Майн... (ёзувчи)	Ирининг қисқартмаси	
Рост, ҳаққоний		Вазмин					Бўй акси	Бирлаштир		Конфет тури				
			«Тақдир ўйинидаги» образ				... - улус			Роберт де ... (актёр)				
Қария, мўйсафид		АҚШ штати								Инсон, башар				

Тузувчи: Нурилло НЎЪМОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 9050. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.
(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40. 1 2 3 4 6 7 8